

МУНДАРИЖА

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Тошкентсувқурилишинвест” давлат муассасаси

Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этишга талабгорларни таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: "Ўртачирчиқ туманидаги "Сарбия" коллекторини тизимли таъмирлаш тиклаш".

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 845 000 000 сўм, қурилиш муддати – 100 кун.

Буюртмачи: “Тошкентсувқурилишинвест” давлат муассасаси.

Манзили: Тошкен шаҳар, Бектемир тумани, Роҳат кўчаси 13-уй

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколоти;
доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари) ни тақдим этилиши ҳақида танлов буюртмачи сига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты) ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш танлов эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин 20 ___ йил “___” _____ кун соат “___” да бўлиб ўтади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлов буюртмачиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлов эълон қилади.

1.2. Танловнинг тури – очиқ танлов, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Қурилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёнилғи, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлов иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутати.

II. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлов ҳужжатлари 2021 йил 22 апрель, **ЎРҚ-684-сон** “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий ва техник қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлов иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар кўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

3-шакл. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.

4-шакл. Банк маълумотномаси (20%) айланма маблағи мавжудлиги тўғрисида ёки банк кафилиги.

5-шакл. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси.

6-шакл. Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

7-шакл. Танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

8-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

2 - илова. Объектнинг қурилиш ишларини бажариш графиги (*ғолиб бўлган ташилот томонидан буюртмачига тақдим этилади*).

3 - илова. Объект қурилишини молиялаштириш графиги (*ғолиб бўлган ташилот томонидан буюртмачига тақдим этилади*).

4 - илова. Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари (*ғолиб бўлган ташилот томонидан буюртмачига тақдим этилади*).

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида) (*ғолиб бўлган ташилот томонидан буюртмачига тақдим этилади*)

жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: *Лойиҳанинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.*

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиҳа бўйича танловда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлов иштирокчиси ўзининг танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлов буюртмачиси ва танлов комиссияси танлов натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.3. Танлов иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 5 кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлов иштирокчиси ёзма равишда танлов буюртмачисига танлов ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Танлов буюртмачиси танлов иштирокчисининг сўрови бўйича танлов ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловда иштирок этиш истагини билдирган танлов иштирокчиларига жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлов буюртмачи сининг шахсий ташаббуси билан ёки танлов иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганлигидан қатъий назар “Танлов иштирокчиларига хабарнома” кўринишда расмийлаштирилади ва танлов ҳужжатларига қўшимча бўлиб қолади. Шу кўринишда расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлов буюртмачи си танлов иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлов иштирокчилари танлов ва лойиҳа ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлов буюртмачиси лойиҳа ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты) etender.uzex.uz порталига жойлайди.

5.2. Танлов иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танловга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, танлов иштирокчилари билан буюртмачи ва буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлов иштирокчиси томонидан тайёрланган танлов таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлов иштирокчиси танлов таклифини мазкур танлов ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖДа ва танлов ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлов иштирокчиси танлов таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлов иштирокчиси ўз танлов таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

7.1. Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:

7.2.1. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлов иштирокчиси томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур (*электрон меҳнат дафтарчадан нусха ва диплом нусхаси*).

7.2.2. Танлов иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий аҳволи (2-шакл). Шаклга Танлов иштирокчиси аудитор компаниясининг хулосаси ёки охириги уч йилдаги молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур. Агар ТАЖДа бошқача кўрсатилмаган бўлса, 2-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.3. Танлов предметиға ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлов иштирокчиси танлов предметиға ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлов иштирокчиси ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7.2.4. Танлов иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда танлов иштирокчиси лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.5. Талабгорнинг танлов ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (7-шакл).

7.2.6. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.8. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖДа кўрсатилган.

7.2.9. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга танлов иштирокчиси ТАЖДа кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Буюртмачи танловда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

VIII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ НАРХИ

(танлов ғолиби томонидан буюртмачиға тақдим этилади)

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатиға биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар танлов иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлов иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Танлов иштирокчилар пудрат ишлари танловда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган қийматини, қурилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Қурилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри қийматиға доимий коэффициент сифатида

қўлланиладиган бошқа харажатлар қийматини танлов иштирокчиси мустақил равишда белгилайди ва ишлар қийматига киритади.

8.2. Танлов иштирокчиси объект қурилиши (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш) нинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган қурилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда қурилиш материаллари турини танлов ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс қайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустақил танлов предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аниқ объект асосий қурилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект қийматининг 100 % ини (лойиҳада кўзда тутилган) ташкил этувчи қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Танлов иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.6. Танловда белгиланган қурилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

IX. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

9.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 кунни ташкил этади.

9.2. Танлов комиссияси котиби таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини баҳолашни амалга оширади.

9.3. Танлов комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.4. Малакани баҳолаш танлов комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

9.5. Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

9.6. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

9.7. Рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

X. МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

10.1. Танлов иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

10.2. Танлов иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган танлов таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

10.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАҒИ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

Т/р	Параметрлар номи	Шакл	Баҳо
1	2	3	4
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур (<i>электрон меҳнат дафтарчадан нусха ва диплом нусхаси</i>)	1-шакл	Талабга мос келса 10 балгача
2	Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботларнинг нусхаси билан) Танлов иштирокчисининг салоҳияти (айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот	2-шакл	Талабга мос келса 10 балгача
3	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза	3-шакл	Мавжуд бўлса 10 балл
4	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги	4-шакл	Мавжуд бўлса (<i>маблағлар етарли бўлса</i>) 10 балл (<i>мавжуд бўлмаса ёки маблағ етарли бўлмаса тақлиф дисквалификация қилинади</i>)
5	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси	5-шакл	Иш тажрибаси етарли бўлса 10 балл
6	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати	6-шакл	Талаб этилган машина-механизмлар мавжуд бўлса 10 балл
7	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот	7-шакл	Танлов вақтида бошқа объектларда курилиш-реконструкция шартномалари мавжуд бўлмаса 10 балл
8	Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	8-шакл	Мавжуд бўлса 10 балл
Жами:			80 балл

Изоҳлар:

Танлов иштирокчиси баҳолаш яқунларига қўйилган талабларга мос келмаса, танлов комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Комиссия аъзолари: _____
(имзоси)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (санаси)

10.4. Танлов комиссияси танлов иштирокчисидан уни малака талабларига жавоб беришини тасдиқловчи далилларни расмий шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

10.5. Танлов комиссияси танлов иштирокчисининг интеллектуал мулкига ва тижорат сирига тажовуз қилишга ҳаққи йўқ.

ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҚИСМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Мезон	Баҳо	Эслатма
1	Таклиф нарх	Энг паст нарх – 20 балл Юқоир нарх – энг кам балл	Молиявий қисмини баҳолаш, комиссия томонидан техник мезонларни баҳолангандан сўнг, махсус ахборот портали томонидан автоматик тарзда амалга оширилади

XI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУҒУРТАСИ

11.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

11.2. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

11.3. Агар танлов ғолиби мазкур танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлов комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлов иштирокчисини танлов ғолиби деб топиши ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

11.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур танлов ҳужжатлари ва Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

11.5. Танлов ғолиби қурилиш (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш) суғуртасини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлайди.

XII. ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

12.1. Буюртмачи танлов якунланган кундан кейин 3 кунлик муддат ичида махсус ахборот порталида танлов натижалари (предмети, ғолиби, шартномавий нархи ва инвестицион лойиҳани бажариш муддати) ҳақида эълон чоп этади.

12.2. Танлов натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

ХШ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида танлов комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:
- танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлов ўтказилмаган деб топилса.

13.2. Танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танловнинг бирон-бир иштирокчиси (танлов комиссияси, буюртмачи, буюртмачи, танлов иштирокчилар) ни мулкӣ ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

13.3. Агар танлов бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорӣ танлов ўтказилади. Бунда танлов ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XXII. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	“Тошкентсувкурилишинвест” ДМ
2.	Объект номи:	"Ўртачирчиқ туманидаги "Сарбия" коллекторини тизимли таъмирлаш тиклаш "
3.	Танлов тури:	Очиқ танлов
4.	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender.uzex.uz махсус ахборот портали.
6.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	etender.uzex.uz махсус ахборот портали.
7.	Танловда иштирок этишга куйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур қурувчи-муҳандисларга ва ўхшаш объектлар қурилишида етарли тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотларга
8.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	<i>Талаб этилмайди</i>
9.	Танлов иштирокчиларининг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	Эълон қилинган муддат давомида
11.	Танлов ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили.
12.	Танлов таклифининг амал қилиш муддати:	Танлов таклифининг амал қилиш даври тендер таклифлари очилган кундан бошлаб 10 кундан кам бўлмаслиги керак. (п 9.1)
13.	Танловда иштирок этиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори	Айланма маблағларнинг миқдори – 169 000 000 сўмни ташкил қилади. <u>Изоҳ:</u> (Объект бошланғич нархининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки 20% миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги) 4-шакл
14.	Танлов предметининг объектида ишлатиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	Баҳолаш мезонлари 7-қисмига мувофиқ
15.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	- Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, электрон меҳнат дафтарчаси нусхаси, машина ва механизмлар тех паспорти, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси
18.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	Танлов таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 кунни ташкил этади

19.	Танлов иштирокчиларининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган танлов иштирокчилари:	Танлов талабларига мос келган иштирокчилар
20.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ҚҚС билан – 845 000 000 сўм
21.	Буюртмачи томонидан белгиланган қурилиш муддати	100 кун
22.	Молиялаштириш манбаси:	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
23.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) – Танлов натижаларига кўра аниқланган, қурилишнинг жорий йилидаги ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида; жорий молиялаштиришга ажратилган бўнак, ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 80 фоизи миқдорида; қолган 5 фоизи – фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач
24.	Шартнома тили:	<i>Ўзбек тили.</i>
25.	Шартнома валютаси:	<i>Сўм</i>

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1	Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи	
2	Рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумот (рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш органининг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Алоқа телефони, факс, электрон почта	
5	Тўлиқ банк тафсилотлари	
6	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	
7	Бенефициар тўғрисида маълумот (шахсий СТИР, Ф.И.Ш.)	

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишдаги иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишда иш тажрибаси (йил)	Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)

Т/р	Мутахассисликлар номи	Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича	Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлар	Улардан (4-устундан) қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар
1	2	3	4	5
	Жами			
	Шу жумладан:			
	Бетончилар _____ разрядли			
	Ғишт терувчилар _____ разрядли			
	Том қурувчилар _____ разрядли			

	Пайвандчилар _____ разрядли			
	Сантехниклар _____ разрядли			
	Дурадгорлар _____ разрядли			
	ва бошқалар			

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ _____ ” _____ 20__ й.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)
иштирокчисининг номи)

АКТИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й	ПАССИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й
Узок муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат				Мажбуриятлар			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

Номи	2019 й	2020 й	2021 й	Номи	2019 й	2020 й	2021 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари					Умумхўжалик фаолият бўйича		
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловига фойда				11. Зарар шундан асосий фаолиятдан			
7. Даромад солиғи					умумхўжалик фаолиятдан		

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

муҳр

Сана: « ____ » _____ 20 ____ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА**

« _____ » МЧЖ компанияси раҳбарияти давлат буюртмачисидан ёки харид қилиш тартиб-таомилининг бошқа иштирокчиларидан коррупцион ҳуқуқбузарлик содир этилиш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари аниқланганда, ушбу фактлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чора кўриш учун дарҳол хабар берилишини кафолатлайди.

Биз, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига уларнинг ўз вазифаларини ижро этилиши муносабати билан коррупцион ҳуқуқбузарликга йўл қўйиб, моддий ва бошқа рағбатлантириш таклифларини берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилдик.

Бошқарувчи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Мухр ўрни

**БАНК КАФИЛЛИГИ ЁКИ АЙЛАНМА МАБЛАҒИ ТЎҒРИСИДА БАНК
МАЪЛУМОТНОМАСИ**

_____ ,
(*иштирокчи ташкилотнинг номи*)

келгусида тендер иштирокчиси деб аталувчи, _____
_____ томонидан утказилаётган
(*буюртмачи ташкилотнинг номи*)

_____ ,
(*тендер предметининг номи*)
объект бўйича тендерда иштирок этиш учун ўз таклифини тақдим этганлигини инобатга
олиб, ушбу билан маълум қилинадики,

_____ ,
(*банк манзили*)
манзил бўйича қайд этилган офисга эга, келгусида “Кафил” деб аталувчи
_____ тендер иштирокчиси олдида
(*банк номи*)

_____ микдордаги
(*рақамда ва ёзув билан сумма ва валюта тури кўрсатилсин*)
мажбуриятини қабул қилади. Ушбу бўйича кўрсатилган тўлов тендер иштирокчисига у
тендер ғолиби деб топилганида ҳамда буюртмачи ва пудратчи ўртасида шартнома
имзоланганидан сўнг тўлалигича ва ўз вақтида ҳеч қандай қўшимча шартлар ва талабларсиз
амалга оширилади.

Банк ушбу мажбуриятга ўз номи билан боғланган.

Кўрсатилган банкнинг муҳри билан тасдиқланган.

Ушбу кафолат буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома (контракт) имзоланган
кундан бошлаб __ кун давомида кучда қолади ва ушбу билан боғлиқ ҳар бир сўров юқорида
кўрсатилган муддат ўтмасдан банкка тақдим этилиши керак.

Бошқарувчи

_____ ,
(*имзо*)

_____ ,
(*Ф.И.О.*)

Мухр ўрни

Бош ҳисобчи

_____ ,
(*имзо*)

_____ ,
(*Ф.И.О.*)

Сана “ ___ ” _____ 20__ йил.

Изоҳ: ушбу берилган кафиллик банк муассасасининг идора бланкасида тақдим
этилади.

**Банкнинг (тўман ёки вилоят бўлимининг) кафиллигида юқори тўрувчи банк ёки
кредит қўмитаси билан келишилган (рақам...сана...раҳбарнинг Ф.И.О.) бор лимитлар
ва кредит ресурслар тасдиғи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур.**

**ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(танлов иштирокчисининг номи)

Т/ р	Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва яқунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				2019 й.	2020 й.	2021 й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____
(бош ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар Танлов иштирокчиси томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНДИГАН
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ**

T/ p	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						
КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Изоҳлар:

1. 8 устунга қурилиш техникасининг танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.

2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖОРИЙ ДАВРДАГИ БОШҚА (ПУДРАТ
ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

Т/р	Буюртмачи номи	Объект номи	Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва яқунланиш санаси	Мавжуд машина ва механизмлар номи	Танловнинг предмети – лойихани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган машина ва механизмлар сони – (ойлар бўйича)			
						7	8	9	10
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Изоҳлар:

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Объектда бажарилиши лозим бўлган қурилиш ишлари учун келгусида жалб этиладиган машина ва механизмлар сони кўрсатилади.

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ
КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен _____ ,
(Ф.И.О., лавозими.)

_____ томонидан 20__ йил
_____ да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

- а) танлов ҳужжатларини;
- б) лойиҳа ҳужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Изоҳ: Ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, кириш йўллари, муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино ва иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар қурилиш бош режаси кўринишида тақдим этилади.

Қатнашчининг ваколатли вакили: _____
(Ф.И.О) имзо

Буюртмачининг ваколатли вакили: _____
(Ф.И.О) имзо

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

**!!!(ҒОЛИБ БЎЛГАН ТАШКИЛОТ ТОМОНИДАН БУЮРТМАЧИГА ҚОҒОЗ
КЎРИНИШИДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ)!!!**

ОБЪЕКТНИНГ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

(объект номи)

Т/р	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1			
2			
3			
4			

Изоҳ: Жадвалда ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Қурилишнинг умумий жадвали пудратчининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда якунлаш ва қурилаётган объектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб бориш мажбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

!!!(ҒОЛИБ БЎЛГАН ТАШКИЛОТ ТОМОНИДАН БУЮРТМАЧИГА ҚОҒОЗ КЎРИНИШИДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ)!!!

ОБЪЕКТНИНГ ЖАМЛАНМА ЖАДВАЛИ

(объект номи)

(танлов иштирокчиси номи)

Т/р	Харажатлар номи	Жорий нархлардаги қиймати
1	Қурилиш материаллари ва конструкциялари	
2	Жиҳозлар	
3	Машина ва механизмлар	
4	Иш ҳақи	
	Жами (ҚҚСсиз)	
	Бошқа харажатлар	
	ҚҚС	
	Жами ҚМИ қиймати	

Изоҳ: Мазкур жадвал буюртмачи ва танловнинг ғолиб ташиқилоти ўртасида тузиладиган шартнома учун қўлланилади.

ОБЪЕКТДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

(Ф-1-шакл)

Т/р	Меъёрлар рақами шифри	Иш турлари	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа кўрсаткичлари бўйича ишлари миқдори	Қиймати	
					Бирликка	Жами
	ЖАМИ:					

Изоҳ: Мазкур жадвалда танлов иштирокчиси ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари учун таклифида ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қилади.

ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИНING ШАРТНОМАВИЙ НАРХИНИ БЕЛГИЛАШДА ИШЛАТИЛГАН АСОСИЙ НАРХ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ НАРХЛАРИ

Т/р	Компонент номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа кўрсаткичлари бўйича миқдори	Бирлик учун нарх	Жами
1.	Меҳнат (иш кучи) харажатлари				
2.	Электроэнергия				
3.	Ёқилғи-мойлаш материаллари				
4.	Металл				
5.	Цемент				
6.	Қум				
7.	Йиғма темир-бетон маҳсулотлари				
8.	Ёғоч материаллари (пиломатериалы)				
9.	Ғишт (и/ч заводлар)				
10.	Бошқа материаллар				
11.	Таваккалчилик коэффициенти				

Компонентлар сони чегараланмайди ва пудратчи томонидан танлов предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдирилади.

*Бунда ҳар бир аниқ объект бўйича компонентлар ва асосий қурилиш материаллари номенклатураси объект қурилиши қийматини 100% ини ташкил қилувчи асосий **наرخ шакллантирувчи** компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.*

Ташкилот раҳбари: _____

Танлов таклифларини техник баҳолаш мезонлари

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баҳо	Танлов иштирокчилари		
I. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл					
1.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	3			
2.	5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар)	3			
3.	Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.	2			
4.	Доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.	2			
II. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2-шакл					
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп	4			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	3			
3.	Ўтган йилда 100 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	3			
IV. Айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот ёки банк кафиллиги 4-шакл					
1	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади)	10			
V. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси* 5-шакл					
1.	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш:	10			
VI. Машина ва механизмлар рўйхати, 6-шакл					
1.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 2 та дан кам бўлмаган занжирли экскаватор кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникалар)	8			
2.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги**	2			
VI. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл					
1.	Танлов предмети – объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камида 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инobatга олинади	10			
VI. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-шакл.					
1.	Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги	10			

Изоҳлар:

* *Объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича шартномавий мажбуриятлари асоссиз бир ойдан икки ойгача кечиктирилганда 50% балл олиб ташланади, икки ойдан уч ойгача – иш тажрибаси баҳоси нолга тенглаштирилади, уч ойдан ва ундан кўпга - танлов комиссияси танлов иштирокчиси таклифини четлаштиришга ҳақли.*

** *Объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) учун керакли қурилиш машиналари ва механизмлари сони ва рўйхати объектнинг хусусияти, қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) ва якунлаш муддатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Машина ва механизмлар сони ва рўйхати танлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Рўйхат танлов буюртмачи си томонидан 7-шаклда, машина ва механизмлар сони танлов таклифларининг техник баҳолаш мезонларида кўрсатилади.*